



АНДИЖОНДАН ХАТЛАР

**I. ДЕХҚОНЧИЛИКДА
ИСТИҚБОЛДИ ТЕХНОЛОГИЯ**

Мамлакатимиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов вилоятга сафари чоғида асл миришкорлар, омилкор шарунослар фаолиятига юқори баҳо берди. Пахтачиликда янги технология — чигитни плёнка остига экиш усулининг афзалликлари ва ҳал этилиши лозим бўлган жиҳатлари хусусида деҳқонлар билан батафсил суҳбатланди.

Қуйида деҳқончиликдаги янги технологиянинг афзалликлари хусусида ҳикоя қилинади.

Уттан йили Андижондаги қатор хўжаликлар каби Олтинкул туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида тажриба тариқасида бир гектарга плёнка остига чигит экилди. Хўжалик раҳбари Мамажон Ҳамроев гоёт тадбиркор, ҳар бир янгиликка ута масъулият билан ёндашадиган инсон. Хайрли ишга асл деҳқонларни жалб этди. Уларга қулай шароитлар яратди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлди. Бу йил эса 109 гектар ерга шу усулда чигит экилди. Қаранг, экин низохта яхши ривожланди. Одатдаги усулга нисбатан жараён 25 кун илгари борди. 13 апрелда ерга чигит қадалган бўлса, 26 июлда қусак етилиб очилди. Янги технологияни қўллаган Сиясатхон Абдуллаева, Шаҳобиддин Жураев, Асалхон Расуллова бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гуза одатдаги усулда парваришланган жойларга нисбатан 14-15 центнердан юқори бўлди.

— Янги усулнинг афзал жиҳатлари куп, — дейди Марҳамат туманидаги «Машғал» жамоа хўжалиги бригадари Улмасхон Ортиқова, — аввало яғана, чопик, бегона утларга қарши кураш тадбирлари утказилмайди, моддий ресурслар тежалди. Ҳосил бемалол сентябрь ойида саранжомлаб олинади.

Избоскан тумани хўжаликларида бўлиб, «Андижон усули»нинг узига хос томонларини синчиқлаб урганган Қоровулбозор туманидаги «Мустақиллик» жамоа хўжалигининг бош муҳандиси Лутфулло Саидов уз фикрларини қуйидагича баён этди:

— Нишонбой Жураев номли, Шермат Юсупов номли, Абдусамат Тиллабоев номли, «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликларида бўлиб, том маънода бир мўъжиза кўрдик. Ҳар гектарда 170 минг тулдан зиёд кучат июль ойида очилган пахта кимни ҳам ҳайратлантирмайди. Пахтачиликдаги янги технология мамлакат буйлаб кенг

жорий этилса ҳосилдорлик ошиши ҳисобига пахта майдонларини муайян даражада қисқартириб бошқа зарур экин ерларини кенгайтириш имконияти яратилади. Андижонликларга қойилмиз, уларнинг ажойиб усуллари мамлакатга катта наф келтиришига ишонамиз.

Умуман бу ерлик деҳқонлар ҳар қарич ерни эъзозлаш, вақтнинг қадрига етишни, янги омилларни ишга солишни билишади. Шу боис вилоятда сунгги 3-4 йил ичида қишлоқ хўжалигида пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига (ҳосилдорлик, 28,7 центнердан 30,8 центнерга етди), унинг ҳажмларини камайтирмаган ҳолда бошқа муҳим экинлар етиштириш бир неча марта ортди.

— Сидқидил тер туккан, тинмай изланган асло кам бўлмас экан, — фикрини ифодалайди эндиликда номи купчиликка таниш бўлиб қолган Асалхон Расуллова. — Хурматли Президентимизнинг даламизга ташриф буюришлари камтарин меҳнатимизни қадрлаб айтган қимматли сузлари, маслаҳатлари барчамизни бағоят тулқинлантириб юборди. Заршунос сифатидаги фикрим шуки, чигитни плёнка остига экиш усулини иккиланмай мамлакатга ёйиш керак. Айни пайтда пахта етиштириш технологиясини янгилаш, унинг моддий техника базисини яратиш масаласига катта эътибор бериш зарур. Ахир янги усул учун янги нухсадаги сеялқалар керак.

Бу йил вилоятимиз буйича ун минг гектар майдонга плёнка остига чигит экилди. Истиқболди усул деҳқонни қанчадан-қанча юмушлардан холос этади. Бунинг устига иқтисодий томони ҳам ажойиб. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, вилоятда мавжуд пахта майдонларининг ҳаммасига плёнка остида чигит экилса 70 миллион АҚШ доллари атрофида қўшимча соф фойда олиш мумкин экан...

Андижон деҳқонлари хурматли Президентимиз меҳрибонлигига жавобан пахта йигим-теримини зур уюшқоқлик ва омилкорлик билан олиб бормоқдалар. Муҳим ишда тула сафарбарлик таъминланган. Сидқидил ишлаганлар яхши даромад қилишмоқда. Энг муҳими, ҳар бир шарунос, миришкор қалбини фахр ҳис-туйғулари чуллаган. Шу боис қўнлик узида андижонликлар барчага намуна бўлишмоқда.

Мирғиёс ҚАЮМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти»нинг махсус муҳбири.



ЗАНГОРИ КЕМАЛАР БАРАКАСИ

Репортаж

Эрта тонгда пахтазорни орашанинг ўзгача гашти, завқ-шавқи, шуқуҳи бор. Камтарин, камсуқум деҳқонларнинг эрта баҳордан бўён тўккан маржон-маржон пешона тери ҳозирги кунда дур-жавоҳирга айланган.

Айни кунларда Қашқадарё вилоятидаги ҳар бир хўжалик ҳар бир жамоа бир мақсад сари — буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини муносиб тўёна билан кутиб олиш йўлида белини маҳкам боғлаб меҳнат қилмоқда.

Кунни кеча биз Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа хўжалиги далаларида бўлдик. Кунни тунга улаб меҳнат қилаётган миришкор пахтакорлар билан яқиндан танишдик. У вилоятдаги энг даромадли хўжаликлардан ҳисобланади.

Хўжалик пахтакорлари бу йил давлатга 6550 тонна оқ олтин топиришни мақсад қилиб қўйишган. Бригадалар далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Аваз Жумаев, Ойгул Одилова каби тажрибали, илғор бригадаларнинг пайкалларидаги шода-шода қўсақлар сентябрь кўшнинг иссиқ тафтидан бодроқдек-бодроқдек очилмоқда.

Машина терими — иш унуми. Бунни яхши билган хўжалик пахтакорлари зангори кемаларнинг бенуқсон ишлаши учун дефолиация-



ни сифатли ўтказдилар, агрегатларнинг бир метрда юришига қулай имконият яратдилар. Ушбу мавсумда хўжаликда 42 та терим машиналари унум билан ишлатилади. Қўрилган тадбирлар ўз натижасини кўрсатди. 4-бўлимга қарашли Худойберди Бердиев бошлиқ бригада жонқуларни вилоятда биринчи бўлиб йиллик пахта топириш режасини барвақт уддалади. Давлат хирмонига мўлжалдаги 90 тонна ўрнига 101 тонна-

лиг юборишди. Дилшод Шодмонов, Мурод Тўхтаев, Дилмурод Ҳасанов каби механизаторлар мавсумда 130-150 тоннадан оқ олтин териш мажбуриятини олишди. Теримнинг биринчи кунини нақадар завқли. Уни ҳеч ким деҳқончилик сезмайди.

Дилшод Шодмонов ўша кунни икки қаторли терим машинасида 4 тонна пахта терди.

— Бу хайрли ишнинг бошланиши, — дейди Дилшод Шодмонов. — Бутун мен пўлат отимни қўйнамадим, синаб кўрдим, холос. Эртага кўрқмай қамчи босамиз...

Хўжаликда дала даргаларининг самарали, баракали ишлашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Буз даладан қайтганда кўёш ётоғига ёнбошлаб, борлиқни қоронғулик қоплай бошлади. Лекин пахтазорда меҳнат авжида. Зангори кема капитанлари дўш-дўш пахтакорларни териб, она-Ватан хирмониغا барака киритишмоқда.

О. ҒОҒУРОВ,
СУРАТЛАРДА: 1. Хўжаликнинг 3-бўлим механизаторлар Дилшод Шодмонов, Мурод Тўхтаев ва Аваз Жумаевлар билан. 2. Терим машиналари пахтазорда. Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ХЎЖАЛИК ДОВОН ОШДИ

Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги қуриқда янги ташкил этилган «Фаргона» жамоа хўжалиги пахтакорлари биринчи қаторда режани бажариш шарафига муяссар бўлдилар. Марказий Фаргона буз ерларида деҳқончилик қиладиган хўжалик шарунослари бу йил 700 гектар ерга чигит қалаб, гузани меҳр билан парвариш қилиб, яхши ҳосил етиштирилди ҳамда йигим-теримни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Ҳозиргача чул ша-

роитида 14 центнердан ҳосил йигиб-териб олинди, 971 тоннадан зиёд дурдона давлатга топирилди. Унинг 100 фоизи юқори навларга қабул қилинди.

Хўжаликнинг Зайниддин Умароқов, Ҳакимжон Йўлдошев, Қосимжон Умаров етакчилигидаги бригадаларда ҳосилдорлик 20 центнердан

ошиб кетди. Бу пешқадим жамоалар ҳосилдорлигини 25-30 центнерга етказиш учун астойдил интиломқдалар. Қўнмигкилограммчилик қарақтининг фаол иштирокчилари — ҳозиргача 4-5 тоннадан дурдона терипта муваффақ бўлган Қумриниса Иззатуллаева, Уғилча Матекубова, Муқаддас Сиддиқовалар мав-

сум охиргача бу курсаткичи 8-10 тоннага етказишга азму қарор қилишган. — Дастлабки доводдан ошган заршуносларимизнинг ниятлари янада улуг, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Имомали Мирзаолимов. — Режага қўшимча 500 тонна дурдона топириб, ҳосилдорлигини чул шароитида 20 центнердан оширамиз.

**БАНК МИЖОЗЛАРГА
МУНТАЗИР**

21 сентябрь кунини Тошкентда янги молиявий муассаса — иқтисодлаштирилган «Асака» давлат-акционерлик тижорат банкнинг ташкили очилиши маросими бўлди. Банк янги Миробод бозори ёнида қўсақ вақт ишлаб қуриб битказилган салобатли бинодан жой олди. Маросимда республика вазирликлари, илоралари, банклар раҳбарлари ва ишбилармон доиралар ҳамда пойтахтимиз жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабоев республикамиз Президентини Ислам Каримов иродаси билан «Асака» банкнинг ташкили этилиши — Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда танланган йўлнинг нақалар тўғри ва самарадор эканини ифодалашнинг қайл этди. Истиқлолга эришган халқимиз эндиликда мамлакатимизнинг бой иқтисодий имкониятларидан ўз манфаати йўлида тула фойдаланиш имконига эга бўлди. Республикаимизда янги сановат ишлаб чиқариш тармоғи — автомобилсозликнинг барпо қилиниши бу фикрнинг яққол далилидир. Жанубий Кореянинг машҳур «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорликда қурилган Асака автомобилсозлик заводи юксак даражадаги замонавий автомобилларни ишлаб чиқара бошлади.

Маросимда хозирнинг узидаёқ мажмур автомобиллар зарур қисмларининг учдан бири республикамизда ишлаб чиқарилаётгани таъкидланди. Келгусида двигател ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилганидан кейин автомобил тузиқ узимизда ишлаб чиқарила бошлайди. «Асака» банкни автомобилсозликнинг ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш, завод фаолиятини яхши йўлга қўйиш ва махсуслотни сотишга ерилам беради.

Ингилишда ишлоотни ўз вақтида ва сифатли қуриб бергани учун қурувчиларга ташаккур билдирилди. Бу борда «Тошкент-тўйбойинвестуриш» корпорацияси, «Узагроқуриш» бирлашмаси, «Узмонтажмаксуқуриш» уюшмаси, республика Энергия вазирлиги ишчилари ҳамда парлоз ишларини бажарган Югославиянинг «Торвик» фирмаси мутахассислари жонбозлик кўрсатишди.

«Асака» банкнинг очилиш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосарлари У. Исмоилов, К. Раҳимов, М. Усмолов, В. Чжен, Қ. Ҳаққулов, Б. Хамидов ва Р. Юнусов иштирок этдилар.

(ЎЗА).

Бувайда туманидаги бурдоқчилик корхонаси жамоаси бу йил Марказий Фаргона чуқларининг Қозоқовул массивида пахта етиштирилди. 150 гектар майдонда тер туқиб оқ олтин ундирган азаматлар умумхирмонга баракали ҳисса қўши-

Хирмонга барака

**РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1996
ЙИЛ 23 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ**
(Режага нисбатан фойз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буюн
Андижон	4,56	43,83
Сурхондарё	1,94	43,70
Бухоро	2,95	39,40
Хоразм	2,51	36,76
Навоий	2,39	35,53
Самарқанд	2,42	34,54
Фаргона	3,07	33,62
Қашқадарё	2,42	27,66
Наманган	3,01	22,73
Кораканд	—	—
Қорақалпоғистон	—	—
Республикаси	1,52	19,33
Тошкент	1,91	12,76
Жиззах	1,15	8,21
Сирдарё	1,21	6,64
Республика буйича	2,41	28,51
1995 йилда	2,23	43,52

**ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА
(Тонна ҳисобида)**

Сурхондарё	905	12210
Қашқадарё	200	1524
Наманган	—	—
Республика буйича	1105	13734
1995 йилда	1080	20706

нов, Абдуҳафиз Абдусаматов, Маматъяли Ашуровлар салмоқли улуш қўшдилар. Бу илғорлар кунига 100—120 килограмдан пахта териб хирмонга гуқинлаштиришди. Пешқадимлар ҳар беш кунда рағбатлантириляптир. — Даладарда ҳали ҳосил мул,

**СУРХОНДАРЁНИНГ
САРА ПАХТАСИ**

Сурхондарё деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш топширигини муддатидан илгари бажаришди. Хирмонга 2 минг 200 тоннадан кунроқ сифатли хом ашё топирилди. Унинг асосий қисми урта толали пахтанинг амалда синаб қурилган «Наманган-17», ингичка толали пахтанинг «Термиз-31» навлари ташкили этиди. Миришкорлар яна 4 минг тонна уруғлик пахта тайёрлашга аҳд қилдилар.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Нарпай тумани Ҳамза номидаги жамоа хўжалиги пахтакорлари Самарқанд вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш буноқмасини бажаришди. Қабул пунктига 275 тонна дурдона етказиб берилди. Миришкорлар янги хирмонини 375 тоннага етказиш иштеккида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

— дейди бригада сарқори Р. Назаров. — Икконияларимизни чамалаб қуриб ҳар гектар ердан яна 12 центнердан зер йиғинтириб олишни режалаштирдик. Насиб этса тез кунларда бу ниятимиз ҳам ушалади. **НЕМАТЖОН ШАРИПОВ.**

**«ОҚ ОЛТИН — 96»
ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!**

Шу кунларда мустақил мамлакатимизнинг фидокорона меҳнатини, қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги изланишларини тўлақонли, бадиий жиҳатдан жозибали ёритиш мақсадида энг яхши очерклар, гуркум мақолалар, лавҳалар, репортажлар ва сермазун фотосуратлар учун ижодий танлов таъкидланган. Ҳосил йигим-терими барча тармоқ ходимлари сингари пахтакорлар учун ҳам энг масъулиятли, долзарб палла ҳисобланади. Шу мавсумда йил — ун икки ой мобайнида пешона тер туқиб қилинган фидокорона меҳнат натижаси кузга ташланади. Юқори самарадорликка эришиш куп жиҳатдан йигим-терим мавсумининг уюшқоқлик билан ўтказилишига, сафарбарлик таъминланишига боғлиқ. Шунинг ҳисобига олиб «Қишлоқ ҳаёти» газетаси тахир ҳайъати пахтакорлар ва уларга елқадош бўлган соҳалар намоёндаларининг йигим-терим давридаги

фидокорона меҳнатини, қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги изланишларини тўлақонли, бадиий жиҳатдан жозибали ёритиш мақсадида энг яхши очерклар, гуркум мақолалар, лавҳалар, репортажлар ва сермазун фотосуратлар учун ижодий танлов таъкидланган. Ҳосил йигим-терими барча тармоқ ходимлари сингари пахтакорлар учун ҳам энг масъулиятли, долзарб палла ҳисобланади. Шу мавсумда йил — ун икки ой мобайнида пешона тер туқиб қилинган фидокорона меҳнат натижаси кузга ташланади. Юқори самарадорликка эришиш куп жиҳатдан йигим-терим мавсумининг уюшқоқлик билан ўтказилишига, сафарбарлик таъминланишига боғлиқ. Шунинг ҳисобига олиб «Қишлоқ ҳаёти» газетаси тахир ҳайъати пахтакорлар ва уларга елқадош бўлган соҳалар намоёндаларининг йигим-терим давридаги

**I ўрин учун — 5 минг сўм;
II ўрин учун — 3 минг сўм;
III ўрин учун — 2 минг сўм.**
Ижодий танлов пахта йигим-терими мавсуми тугатилган сўнг якунланади. Ёзувчилар, журналистлар, фотомуҳбирлар ва бошқа ижодкорларни танловда фаол қатнашишга даъват этамиз.

ЗАМИНА МЕХР, ЮРТГА САДОҚАТ ЧИН ИНСОН ФАЗИЛАТИ

Инсон ҳаёт гултоқидир. Шунинг учун ҳам бу еру оламдаги барча нарсалар унинг камоли, ҳаёти ва фаолиятига хизмат қилади. Доншмақдариимиз ҳам уни улутлаб «Сен самовий ва заминий икки олами баробарсан», — деб таъриф беришган ва одамзотнинг қисқа умри давомида у қадр-қиймати билди, ҳаётнинг моҳиятига етиб яшагга даъват этишган: «Сен ҳамма нарсани унуттигин мумкин, елги бир нарсани — нечун дунёга келгансан, шунинг унутмасанг бас. Узингни арзонга сотмагилсан. Ило боҳойинг баланд». Шунинг учун ҳам инсон қадр-қиймати ва ҳақ-хуқуқлари барча демократик жамиятларда ҳамisha олий қадрлиқ, адолат мезони бўлиб ҳисобланиб келинган. Ер шаридати кунлаб давлатларда ана шу инсонпарварлик йўли кенг эътибор элишида Жаҳон Ҳақмақиятининг улкан қиматлари бор. Республикада ҳам инсон ҳақ-хуқуқларини муҳофаза этиш борасида амалга оширилган ишлар қуламини кенг. Мамлакат иқтисодини кутариш, халқ фаровонлигини ошириш, маърифат ва маънавий юксаклиги учун ўтказилган ислохотлардан кузланган олий мақсад ҳам инсон, унинг қадр-қиймати, ҳаётини эҳтижидир. Бу ҳақда республикамиз Президентини Ислам Каримов шундай деган эдилар: «Инсон ислохотларга эмас, ислохотлар инсонга хизмат қилсин». «Бизнинг энг катта бойлигимиз — меҳнаткаш халқимиздир».

Ҳа, ҳар бир инсон учун муносиб меҳнат шaroитини яратиш, унинг эҳтижларини қондириш, эрки ва мустақиллигини кафолатлини ошириш, республикамизда амалга оширилган ислохотлар, давлатимиз иқтисодий ҳаётидаги кенг миқёсда янгиланишлардан кузланган ягона ниятдир. Маълумки, умуминсоний қадрлиқларга асосланган демократия, эркилик ва мустақиллик — ҳар қандай давлатнинг бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидан бориши учун зарур бўлган муҳим шартлардир. Мамлакатимизда барқарорлик, тинч-осойишталикни сақлаш, иқтисодиётда ислохотлар муваффақият билан йўлга қуйиладиган ҳолда сиёсий тизимни ривожлантиришни жадаллаштириш, фуқаролар жамиятини барпо этиш ҳақида катта гамхўрликлар қилинмоқда. Инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг мониторинги ва бу жараён устидан назорат

урнатишни таъминлаётган миллий муассасаларни мустақамлаш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларини кенгайтириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Олий Мажлисининг VI сессияси кун тартибига ҳам айнан шу масаланинг киритилиши бежиз эмас.

Мамлакатимиз 1993 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларга содиқлигини ҳар томонлама намойиш этиб келмоқда. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг эркинлигини ва ҳақ-хуқуқларига доир қабул қилинган 300 дан ортиқ Қонун ва Олий Мажлис Қонунига тенглаштирилган қарорлар фикримизнинг эркин далилидир. Бунинг республикамиз асосан оғир мажмуи ҳолимлари ҳам эътироф этмоқдалар.

Раъно ҲАҲИМОВА.
Жондор тумани ҳокимининг ўринбосари:
— Мустақил Ўзбекистонимизнинг илк қадами, пойдеворидagi биринчи гишти адолат, инсон қадр-қиймати ва ҳақ-хуқуқи ҳимояси учун қўйилган ва бу эзгу иш давом этмоқда. Шунинг учун ҳам юртимизда ҳақиқат тантана қилиб, қадрлиқлар тикланиб улкан иншоотлар, масжиду мадрасалар, бозорлар, йулу-расталар қурилиб, обод ва озоод адолатли демократик давлат барпо этилмоқда. Бу саяҳат-қаракатларнинг бари инсон камоли, соғлиги ва манфаати учундир. Шундай экан кучларни бирлаштириб, тажрибаларни омулаштириб, бир-биримизнинг қалбимизга қулоқ тутиб яшашимиз керак.

Чеккадан туриб тош отиш, дустинг иши эмас, ҳақиқий ватанпарварлар мард ва танги бўлиб, элнинг ҳамisha қорига ярайди, мушкулни осон этади.

Саван ҲОТАМОВА.
Навбахор тумани. Қаҳрамон она:
— Дунени ушлаб турган устун яшиллик, меҳр-муҳаббат, бир-биримизга бўлган самимий, бегараз муносабатимиздир. Шу маънода юртимиз оқилу доноларининг биз — кекса онахону отахонларга курсатган гамхўрлигини манаҳунан. Ҳар тон юртимизга тинчлик, дастурхонимизга барака, ешларга умр, эзгулик, юртбошимиз олиб бораётган ишларга ривож тилаб дуо қиламан. Мен қатори Ўзбекистонимизда яшаётган 2,5 миллиондан

ортиқ нафақахўр ҳам дуога қул очади. Дуоларда эса юрт яшнаб, камолга етиб бораверали!

Омонудла МАҲМУДОВ.
Тожикистон Республикаси фуқароси:
— Узим тожик дшерда туғилиб, воёга етган бўлсам-да, ота юртим Ўзбекистондир. Отам 30-йилларда жафо чекиб, Тожикистонга келиб қолганлар. Раҳматлининг ҳикоя қилишларича, ушанда у кишининг ҳақ-хуқуқлари поймод этилган, оталаридан қолган мерос тортиб олиниб, узларини бойнинг «утли, қулоқсан» деб камситишган. Ҳатто у кишини қамамоқчи ҳам бўлишган. Отам бу азиятларга чидай олмади юртдан бош олиб кетишга мажбур бўлганлар...
Шу-шу Тожикистонда яшаб қолганлар. Мен, отам ва сингилларим шу ерда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистоннинг жон-дилдан суюб яшаймиз. Унда бўлаётган ҳар бир воқеани ҳажжонларнинг кузатиб бораемиз. Меҳнат таълимимизни иложи борича шу тинч-осойишта, гуллаб-яшнаётган юртда ўтказишга ҳаракат қилаемиз. Айниқса бизга бу юртдаги инсонга бўлган қадр-қиймат, эъзоз еқади. Яна биз — уруш курган одамларга ундаги тинч, осойишта меҳнат шaroити жуذا азиз. Хавотирсиз ишлаб, бола-чақаси билан осойишта яшаётган ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига ҳавасимиз келади.

Олим ҲАМИДОВ.
Республика милиция академия тинловчиси:
— Адолатли жамиятда ҳар қандай олий даражадаги қонун ва Фармонлар — инсон манфаати ва ҳақ-хуқуқлари замирида туғилади. Шу маънода юртимизда эл осойишталиги, халқ фаровонлиги, нури истиқболни йўлида мустақам пойдеворлар барпо этилмоқда. Биргина уним уқийдиган академия мисолида оқилдан бўлсам қанча эзгу ишлар қилинаёти.

Яшаётган етгимизу, уқитган даргоҳимизнинг шарт-шaroитлари ҳақида ҳар қанча мақтасам арзийди. Ерут, чиройли укув хоналари, ям-яшил боғимиз, жаҳон талабларига мос спорт павильонлари уйингоҳлар, бари бизни ўқиб, яхши милиция ҳолими бўлишимиз учун хизмат қилади. Хушёр, билимдон, маънавий баркамол милиция ҳолимлари эса албатта инсон ҳақ-хуқуқларининг изчил ҳимоячилари бўлиб майдонга чиқадилар.

А. КОДИРОВА.

УРУҒЛИК КАРТОШКА

мўл бўлиши учун Янгикўрғон туманидаги тўрт хўжалик ихтисослаштирилиб, катта ер майдони ажратилди



Туманининг табиий иқлим шaroити иккинчи номиниз бўлиши картошка етиштириш учун ихтиёрга қулай. Тупроғи майин, унумдор, суви етарли, одамлари ўта миришкор. «Нанай» жамоа хўжалигида бўлганда бунга ишонч ҳосил қилдик. Уртаги картошка ҳосилини йиғиштириш қизғин. Ташкилдорларича, режа гектаридан 220 центнер. Лекин уста деҳқонлар бу кўрсаткич 250 центнердан кам бўлмайд деб туришибди. Аюбхон Шамсуддинов, Абдуқаҳҳор Самодов каби бригада бошлиқлари асл тадбиркорлар эканликлари билан йил ҳам ибтисотдадилар. Аюбхон ака гектар ҳосилдорлигини 300 центнерга етказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Далада 200 нафардан ортиқ киши ҳосил йиғиштирипти. «Нанай» картошкаси ўзининг сифатлиги билан барчани хурсанд қилапти. Хўжалик жорий йилда 4 минг тонна картошка етиштиради. Ташкентга 2.100 тонна неъмат жўнатилади.

Соҳанинг истиқбол сифатли уруғлик жамғаришга боғлиқ. Баъзи хўжаликларда бу масалага эътибор берилмаганини сабабидан ҳосилдорлик пасайди, қаердадир сифатта пугур етди. Наманган вилоят ҳокимлиги республика Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида иш юритиб Янгикўрғонда уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган бақувват хўжаликлари барпо этиш юзасидан хайри тадбирларини амалга оширмоқда. «Нанай», «Туркистон», Охунбобоев номи хўжаликларда ана шу йўналишда қизғин иш олиб бориламоқда. «Уруғчилик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши нур устига аъло нур бўлди.

Охунбобоев номи хўжалиқининг Маҳмуд Отабоев бошлиқ бригадасида ҳам уртаги картошкани қавлан ушоқлик билан олиб бориламоқда. Бу ерга экинлар «Роман» нав картошкаси ўзининг хушталлиги билан алоҳида ўрин тутайди.

«Туркистон» жамоа хўжалигида уста картошкарлар кўп. Аҳмад ака Ҳасанов уларнинг бири. 25 гектар ерда шу нозик экинни парваришлагани, Муттаҳассиларнинг таъкидлашларича ҳосилдорлик гектарига 250 центнердан кам бўлмайд. Янгикўрғондаги тўртта ихтисослашган хўжаликда бу йил тайёрланаётган уруғлик картошка бошқа туманларнинг ҳам қорига ярайди. Шу тариқа мўл, арзон ва сифатли ҳосил етиштириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

«Нанай» жамоа хўжалиқининг йирик омборхонасида ҳам бўлди. Ҳақимжон Усмонов, Фуломжон Ҳайитбоев каби миришкорларнинг фикрича, пешма-пеш келтирилаётган картошка йирик, хуштал, харидорлар. Шу бос унга талабот тобора кўпаймоқда.

М. ИЛЁСОВ.

Амударе туманида баалиқ кўпаймоқда. «Қорақалпоқбашиқ» ҳиссалорлик уюшмаси таркибида иш бошлаган янги хўжалик аҳоли дастурхонига баалиқ етказиб бера бошлайди. Жамоа тумандаги умумий майдони 415 гектар бўлган 12 та қўлда баалиқ урчишти, янги давзалар барпо этиш билан шуғулланади.

Кашқадарё вилояти Деҳқонбод туманида ортиқча ишчи кучини баид

етишга алоҳида эътибор берилаётган. Яқинда туманда жунни қайта ишлаш корхонаси қурилади. Унда йилига юз тонна жун қайта ишланиб, 32 тонна ип тайёрланади.

Деновдаги пахта еги, совуви ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган «Сурхонозиқовқат-саноат» ҳиссалорлик жамияти янги ҳосил пахта-сидан ажратилган чигитни қайта ишлашга киришди. Дастлабки кунлиқ салкам 40 тонна ег тайёрланди. Совуи ишлаб чиқариш пехида ҳам иш авж олиб кетди.

Андижон консерва заводида узум ва мева шарбатини ишлаб чиқарилган янги линия маҳсулот бера бошлайди. Корейнинг «Донхо» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган бу линияда мева шарбати 250 граммли бежирим идишларда чиқарилмоқда.

УСТА ПАХТАКОР ДАЛАСИДА

Попда шундай инсон бор. Кекса ёш унинг номини хурмат билан тилга олади. У ҳақда меҳнати билан обрў-эътибор тоғди. «Сирдарё» жамоа хўжалиги шўхратини ёйишда унинг ҳам хизмати синган.

Олтин олт эшини қаршилаган, тиниб-тинчимас бу инсон азиз умрини пахтачилик ривожига бахшида этиб келаяпти. Уттан йиллар мобайнида бригада, кейинчалик хўжалик етакчиси бўлиб ишлади. Пахтачилик соҳасида мактаб яратди, ўилаб шоғирлар тайёрлади.

Сайхунбод туманидаги «Бирлашган» жамоа хўжалигида пахта йиғим-терими тобора қизғин паллага кирмоқда. Зархунослар етиштирилган ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатда саранжомлаб олиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Хўжаликдаги иш кучи, барча техника воситалари теримга сафарбар этилган. Натияжада тайёрланаётган хом ашё хирмони қулдан-қунага ўсиб бормоқда. Айниқса, Абдураим Қорабеков бригадаси бу борада етакчилик қилмоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Абдураим Қорабеков илгор теримчилар Наргиза Эсирганова ва Тоғазул Боймуродовалар пахтазорда.

У. УСМОНОВ олган сурат.



ҒАЛЛА ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНСА, ФЕРМАЛАРДА ҲУВУЛЛАБ ҚОЛСА, КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 январидagi «1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»-ги ва 1996 йил 24 майдаги «1996 йилги бошоқли экинлар дон ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлашнинг ташкилий ва иқтисодий масалалари тўғрисида»-ги қарорларида белгиланган вазифаларни жойлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари, тегишли ташкилотлар ва уюшмалар томонидан аниқ бажарилиши устидан вилоятлар прокуратура органлари назорат олиб бораёпти. Текширишлар ўтказилмоқда. Шунга қарамай, талай қонун бузилишлар содир этилди. Ушбу ҳолатлар юзасидан ҳозирги вақтга қадар республика бўйича 217 та жиноят ишлари кўзгатилиб, хўжаликларга 250,9 тонна дон қайтарилди. Қонунбузарликларга айниқса Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кўпайиб йўл қўйилмоқда.

масида звено бошлиғи бўлиб ишлаган Суён Самандоров комбайнчи Абдуғафур Оминов билан 2 тонна бугдойни умарилган.

Дили нопок, ўз нафси учун ҳеч нарсдан тоймайдиган текинхўр бригадирлар Зомин туманида ҳам топилди. Бригада бошлиғи К. Қурбонбоев тракторчи З. Эргашев билан 2,9 тонна арпани ўз жигдионига урган.

Инсофининг иймони йўқ деган нақл Зомин тумани Э. Холматов ширкатлар бирлашмаси боши инженер Абдурашад Хукумова нисбатан ҳам айтинганга ухшайди. У тракторчи Ирискул Хукумов билан бирга ширкатлар бирлашмаси гафла майдонидан 7760 килограмм, жами 22 минг сумлик бугдойни олиб йўлда яшириб саклаганини факти фож этилди. У ҳам узига «муносиб» жазосини олди. Эл-юрт олдига юзи шувут бўлди.

Фориш туманида звено бошлиғи бўлиб ишлаган А. Аҳмедов ҳам нафсини қуйига тушиб шарманда бўлди. У 1230 килограмм бугдойни ўз манфаати йўлида улаштиргани учун қонун олдига жавоб бермоқда.

Вилоят хўжаликлариди чорвачилик соҳасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, хусусийлаштирилган фермаларда ва деҳқон (фермер) хўжаликлариди чорвачилик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун нималар қилинмоқда, қорвонинг аҳоли қандай? Албатта, ҳақиқий аҳвол билан танишсангиз уйлаб қоласиз. Хусусан Вазирлар Маҳкамасининг «Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, «Чорвачиликда ислохотларни тақомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги муҳим қарорлари моҳиятини ҳамма жойда ҳам бир хил англаб етдилар деб бўлмайди.

Бу ерда 1993-1994 йиллари 84 та давлат ва жамоа хўжаликларининг қорамолчилик фермалари мўл шакли узгартирилиб 133 та ҳиссалорлик жамиятлари ташкил этилган. Ҳозир уларнинг 48 таси «Ким ошди» савдосида сотилиб, хусусий мулк шаклига ўтган. Хўп, натияжлари қандай?

Чорва фермалари хусусийлашган чорва молларининг бош сони, гушт, сўт, тухум ишлаб чиқариш йилдан-йилга кескин камайиб бормоқда. Жумладан, 1995 йил 1 январидан 1996 йил 1 январигача, яъни бир йилда 8339 бош қорамол камаятган. Агар кескин чоралар қурилмаса бу камийиш «анъанаси» давом

ланма талабларини бузган ҳолда амалга оширилган.

Мирзачул туманидаги Абай номи ширкатлар бирлашмасида ҳам 480 бош қорамол «Ким ошди» савдосида белгиланган тартиб қоидага мутолақо риоя қилинмай сотилган. Фуқароларнинг аризалари қайди қилинмаган, раҳбар томонидан тегишли имзо қўйилмаган. Чорва молларини санокдан ўтказиш далолатномасида молларнинг тури, бирка номери, туси, зоти, сезимлик даражаси, еши, баланс қиймати кўрсатилмаган. Бундан ташқари масъул комиссия томонидан матбуотда «Ким ошди» савдоси ҳақида эълон берилмаган. Харидорлар томонидан эса 10 фоидали бадал пули туланмаган. Хуллас «Ким ошди» савдоси хужажурсинга ўтказилган. Оқибати эса ҳозир кўпчиликни ташвишга солиб қўлди.

10 фоидали бадаллари туланмасдан мўл шакли узгартирилган фермалар талайгина. Дустлик туманидаги «Тонготар», Пахтакор тумани «Самарқанд» ширкатлар уюшмасидаги «Чулпон», Амир Темир номи хўжалиқлари «Оқбулоқ» ва бошқа қўллаб фермалар дастлабки бадаллари туланмаган ҳолда, «Ким ошди» савдосида сотилган.

Умуман олганда вилоят бўйича фермаларни сотишда туланиши бир йил мобайнида 974 бошдан 712 таси ҳар хил сабаблар: яъни сотиш, махсус ва мажбурий сўйиш, харом ўлиши оқибатида йўқотишган. Қани инсоф, қани диянат?

Устига-устак ушбу ҳиссалорлик жамияти 1995 йил 12 сентябрда «Янги дала» уюшмасига қайтарилди, ферма «Ким ошди» савдосида сотиб юборилган. Аммо сотиб олган фуқаролар томонидан туланиши лозим бўлган 10 фоидали тулов туланмаган. Булар пуни қўрсатмоқдаки, чорвачилик фермаларини хусусийлаштиришда ташлов ва «кимошди» савдоси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Молия, Адлия вазирликлари, Давлат мулкни бошқариш ташкилотлари томонидан тасдиқланган «Чорва моллари, биололар ва асбоб-ускуналари тизини, ким ошди» савдоси асосида сотиш тартиби ҳақидаги қул-

Одатда ишнинг кўзини билдирган кишиларга ҳамма жойда талаб кучли бўлади. Хўжалиқнинг тошлоқ участкасида узоқ йиллар мўлжалдаги ҳосил олинмай келди. Ҳадеганда ишлар юришмай, режалар аро йўлда қолаверди. Ҳамровали Оминов ана шу жойга бориб ишлаш ташаббуси билан чиқди. Пайкаллари айланб, ҳосилдорлигини пасайиши сабабларини ўрганди. Деҳқонларини йиғиб маслаҳатлашди. Ҳайдовдан олдин ва кейин маҳаллий ўит солинига эътибор қаратди. Шўхорлаш устида турди. Қиш бўйи хоналовлардан, фермадан гушт жамғаришни ташкил қилди. Бу ҳаракатлар келуси йил кузига далабаски самарани берди. Ҳар гектар ердан 8-10 центнердан ҳосил олинган далаалардан 33 центнердан хирмон кўтарилди. Эришган ютуғи ва пахтачиликдаги узоқ йиллик меҳнатлари эвазига Ҳамровали Оминовнинг кўксини Қашқаровлик юдузи бегади.

Уттан йили Ҳ. Оминов бошлиқ бригада зархунослари ҳар гектар ердан 48 центнердан хирмон кўтардилар. Фидокорона меҳнат, кўп йиллик тажрибалар туғайдиланга шундай ютуққа эришилди. Жорий йилда 70 гектар майдонда «Фаргона-3» навини парваришлаган миришкорлар режадаги 38 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил олиниши мўлжалламоқдалар.

Янги нав агротехникаси тезда улаштириб олинди. Бригадада 60-30 тизимда деҳқончилик қилинди.

Ҳар гектар ерда 93 минг тулдан соқлом кўчар сақланган. Бугун теримчининг қўли-қўлига теғмайди, — дейди саркор. — Теримда қатнашаётганларнинг бари гаалаба маррасига тезроқ етсак, деб ният қилмади.

Пов туманидаги «Сирдарё» жамоа хўжалиқининг ушбу бригадаси далаларида эрта тондан қон қорайтувчи элик нафар меҳнатчи ва ханарчилар мавсумда фаол иштирок этилаётганлар. Фойдалар ҳар беш кунда тақдирланаётган. Қуна иссиқ оқват, қон тайёр. Маъжуд техника ва механизмлардан самарали фойдаланилмоқда.

К. НАБИЕВ.

— Мустақил Республикамида қонунчиликнинг бузилишида, жиноятчиликка қарши кураш муҳим вазифа. Эскидан қолган боқибегамлик, хужасизлик, совуқонлик, ташмачилик, фибрибарликларни ҳаётимиздан сугуриб ташлашда қонун кучидан фойдаланиш талаб этилади. — деди биз билан суҳбатда Жиззах вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, 2-даражали ҳуқуқшунос Николай Норбоев.

Вилоятда дон маҳсулотларини уғирлаш, талон-торож қилиш бўйича 14 та жиноят иши, қонунбузилишларга йўл қўйганлик учун 88 та маъмурий, 8 та моддий, 23 та нитизомий иш кўзгатилиди. Қонун бузилишларга йўл қўймаслик хусусида 60 нафар жавобгар шахс оғохлангилари.

Кимки эл-юрт насабиси — риқзиға хиенат қилса, ўз нафси қуйига тушса, жазо олиши муқаррар. Чунки дон — нон, ун поклик рамзи, унга хиенат кеириликмас гуноҳдир. Қонунбузарларга қарши қатъий чоралар қурилмоқда.

Уғирлик ва талон-торож қилувчилар орасида қўпчилик мулкни куш қорачидайд асарига масъул бўлган лавозим-

ли шахслар борлиги ачинарлидир. Арнасов туманидаги «Туркистон» ижара ширкатлар бирлашмасида омбор мудирини бўлиб ишлаган Ғайрат Абдураимов 7079 килограмм бугдой камаомиди йўл қўйган. Шу тумандаги «Фаргона» давлат хўжалиги ишчиси Муриджон Умрқов 2219 килограмм бугдойни А. Муродов билан узарти тибриктириб сотган. Ушбу хўжалиқнинг яна бир ноинсоф ишчиси Ҳақназар Дулатов кингир ниятда — жиний йўл билан топилганини билди туриб 2860 килограмм бугдойни сотиб олган. Ундан ташқари 160-сонли автокорхона хайловчиси Аҳмадали Муродов 2,3 тонна бугдойни ўз манфаати учун улаштириш факти фож этилди. Улар қонун олдига жавоб беришмоқда.

Бахмал туманида ҳам масъул лавозимли шахсларга нисбатан талабчилик бушаган. Булмас гафла бригадаси бошлиғи ўзи бош бўлиб кингир ишга қул урармиди? «Тонготар» ширкатлар бирлашмаси бригадирини Мавлон Норбоев 3180 сумлик бугдойни улаштирган. Қулгизир бригадирларнинг яна бири Абдумалик Турдиев ҳам шу хўжаликда ишларди. У эса 1305 сумлик арпани ўз манфаати йўлида умарилган.

Зарфобод тумани «Уч қаҳрамон» ижара ширкатлар бирлаш-

масида звено бошлиғи бўлиб ишлаган Суён Самандоров комбайнчи Абдуғафур Оминов билан 2 тонна бугдойни умарилган.

Дили нопок, ўз нафси учун ҳеч нарсдан тоймайдиган текинхўр бригадирлар Зомин туманида ҳам топилди. Бригада бошлиғи К. Қурбонбоев тракторчи З. Эргашев билан 2,9 тонна арпани ўз жигдионига урган.

Инсофининг иймони йўқ деган нақл Зомин тумани Э. Холматов ширкатлар бирлашмаси боши инженер Абдурашад Хукумова нисбатан ҳам айтинганга ухшайди. У тракторчи Ирискул Хукумов билан бирга ширкатлар бирлашмаси гафла майдонидан 7760 килограмм, жами 22 минг сумлик бугдойни олиб йўлда яшириб саклаганини факти фож этилди. У ҳам узига «муносиб» жазосини олди. Эл-юрт олдига юзи шувут бўлди.

Фориш туманида звено бошлиғи бўлиб ишлаган А. Аҳмедов ҳам нафсини қуйига тушиб шарманда бўлди. У 1230 килограмм бугдойни ўз манфаати йўлида улаштиргани учун қонун олдига жавоб бермоқда.

Вилоят хўжаликлариди чорвачилик соҳасида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, хусусийлаштирилган фермаларда ва деҳқон (фермер) хўжаликлариди чорвачилик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун нималар қилинмоқда, қорвонинг аҳоли қандай? Албатта, ҳақиқий аҳвол билан танишсангиз уйлаб қоласиз. Хусусан Вазирлар Маҳкамасининг «Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳамда «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, «Чорвачиликда ислохотларни тақомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги муҳим қарорлари моҳиятини ҳамма жойда ҳам бир хил англаб етдилар деб бўлмайди.

Бу ерда 1993-1994 йиллари 84 та давлат ва жамоа хўжаликларининг қорамолчилик фермалари мўл шакли узгартирилиб 133 та ҳиссалорлик жамиятлари ташкил этилган. Ҳозир уларнинг 48 таси «Ким ошди» савдосида сотилиб, хусусий мулк шаклига ўтган. Хўп, натияжлари қандай?

Чорва фермалари хусусийлашган чорва молларининг бош сони, гушт, сўт, тухум ишлаб чиқариш йилдан-йилга кескин камайиб бормоқда. Жумладан, 1995 йил 1 январидан 1996 йил 1 январигача, яъни бир йилда 8339 бош қорамол камаятган. Агар кескин чоралар қурилмаса бу камийиш «анъанаси» давом

ланма талабларини бузган ҳолда амалга оширилган.

Мирзачул туманидаги Абай номи ширкатлар бирлашмасида ҳам 480 бош қорамол «Ким ошди» савдосида белгиланган тартиб қоидага мутолақо риоя қилинмай сотилган. Фуқароларнинг аризалари қайди қилинмаган, раҳбар томонидан тегишли имзо қўйилмаган. Чорва молларини санокдан ўтказиш далолатномасида молларнинг тури, бирка номери, туси, зоти, сезимлик даражаси, еши, баланс қиймати кўрсатилмаган. Бундан ташқари масъул комиссия томонидан матбуотда «Ким ошди» савдоси ҳақида эълон берилмаган. Харидорлар томонидан эса 10 фоидали бадал пули туланмаган. Хуллас «Ким ошди» савдоси хужажурсинга ўтказилган. Оқибати эса ҳозир кўпчиликни ташвишга солиб қўлди.

10 фоидали бадаллари туланмасдан мўл шакли узгартирилган фермалар талайгина. Дустлик туманидаги «Тонготар», Пахтакор тумани «Самарқанд» ширкатлар уюшмасидаги «Чулпон», Амир Темир номи хўжалиқлари «Оқбулоқ» ва бошқа қўллаб фермалар дастлабки бадаллари туланмаган ҳолда, «Ким ошди» савдосида сотилган.

Умуман олганда вилоят бўйича фермаларни сотишда туланиши бир йил мобайнида 974 бошдан 712 таси ҳар хил сабаблар: яъни сотиш, махсус ва мажбурий сўйиш, харом ўлиши оқибатида йўқотишган. Қани инсоф, қани диянат?

Устига-устак ушбу ҳиссалорлик жамияти 1995 йил 12 сентябрда «Янги дала» уюшмасига қайтарилди, ферма «Ким ошди» савдосида сотиб юборилган. Аммо сотиб олган фуқаролар томонидан туланиши лозим бўлган 10 фоидали тулов туланмаган. Булар пуни қўрсатмоқдаки, чорвачилик фермаларини хусусийлаштиришда ташлов ва «кимошди» савдоси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги, Молия, Адлия вазирликлари, Давлат мулкни бошқариш ташкилотлари томонидан тасдиқланган «Чорва моллари, биололар ва асбоб-ускуналари тизини, ким ошди» савдоси асосида сотиш тартиби ҳақидаги қул-

ланма талабларини бузган ҳолда амалга оширилган.

Мирзачул туманидаги Абай номи ширкатлар бирлашмасида ҳам 480 бош қорамол «Ким ошди» савдосида белгиланган тартиб қоидага мутолақо риоя қилинмай сотилган. Фуқароларнинг аризалари қайди қилинмаган, раҳбар томонидан тегишли имзо қўйилмаган. Чорва молларини санокдан ўтказиш далолатномасида молларнинг тури, бирка номери, туси, зоти, сезимлик даражаси, еши, баланс қиймати кўрсатилмаган. Бундан ташқари масъул комиссия томонидан матбуотда «Ким ошди» савдоси ҳақида эълон берилмаган. Харидорлар томонидан эса 10 фоидали бадал пули туланмаган. Хуллас «Ким ошди» савдоси хужажурсинга ўтказилган. Оқибати эса ҳозир кўпчиликни ташвишга солиб қўлди.

Биз улкан маънавий вориslаримиз

Кухна шарк осмонда яр-кираган еркин юлдуз, нозик таъб, шоирни замон Абу Абдулло бини Муҳаммад Рудакий таъминан 855-865 йилларда Бухорода туғилган. Моҳир суз санъаткори ижодли одоб-ахлоқ бош мавзулардан бири бўлган. Ҳаётда у кишининг ўзи имон, эътиқодли мумин-мусулмон бечораларга меҳрибон, йўқчиларга ҳамдам инсон бўлган экан ва гузал ижоди билан асрлар оша халқ қалбига яшаган.

Бекорга доно халқимиз «ҳаёт — муаллим» деб айтмаган. Доношмандлар ҳам ҳаёт ва турмуш тажрибаларини юқори баҳолаганлар, осмонга кўтариб маъх этганлар. Мана Рудакий ҳазратларини ҳикматларига эътибор беринг.

лим туйфайли одамзот юксалиди, камолотга етади. Рудакий ҳазратлари айтганларидек, билим билан одамзот мукамаллашади. Ақли туйиб зукко одамга айланади. Билим — одамзотга таянч, қумакчи. Сирли, сехри дунё тилсимотларини ҳам илм очади. Қашфийет қалити — илм. Барча бойликларнинг асоси ҳам билимдир. Ҳазрат таъкидлаганларидек, оламни билиш учун фақат билим керак.

ҲАЁТ МАЪНОСИ АЛЛОМА ТАФСИРИДА

Ибратли ҳикматта амал қилганларнинг ҳаммаи қалди тик, қули балан. Негаки, яхшиликни фақат яхши одамларгина қилади. Яхшиликнинг «ога»ларидан бири турғилидир. Турғилик фазилати инсонга фақат шараф келтирди. Турғиликнинг оқибати шарафли, интихоси, омонликдир. Турғилик инсон устайди, усади асл мақсада етади. Дунё дунё бундлик, турғилик ҳамма одамзотга ҳамроҳ. Аксинча, эргилдикдан одамзот азят чеккан. Инсон эргилдик синали, заволга учрайди. Эргилнинг ишидан турғилик чиқмайди. Эргилнинг иши турғил бўлмайди. Унинг иши бузиш ва гангалару мажоралардан иборатдир.

Ҳаёт сабоги энг туғри сабоқдир. У аччиқ бўлиши мумкин, аммо меваси ширин. Ҳаётда оғирликлар ҳам учрайди, аммо қимдани ана шу оғирликка чидаса, уни енгса, марра уники. «Машқда қийналганларга, жангда осон кечади» деб бекорга айтмаганлар. Хулласи қалом, ҳаёт тажрибалари одамзотга доимо фойда келтиргани ҳақиқат. Инсонийлик фазилатларидан қаноат, инсоф, борига қуниқиб, қуниқиб туғилди ҳам омонликдир. Шукроналар қилиб, озига қуниб юрғучилар ҳам ҳосияти инсонлардир. «Борига барака» деган ҳикмат ҳам бекорга айтилмаган. Бу ҳақда аллома утиғига қулоқ тутинг:

Борига қаноат қил, ва обод яша,
Ғам бандидан ҳолос ва озода яша.
Ҳа, донишманд бобомизнинг сермағзи, тоғли малҳамларидан дилғимиз яйраб, қуниқиб таскин топади. Сержилло дур-жавоҳирларнинг мафтункор жилваларидан дилғимизимиз чог бўлиб, маънавийтимиз бойийди. Аллома ҳикматида эса бундай турмаъно сузлар сероб. Бундай гузал байтлар барчани ҳаёт ҳақида уйлантира, кенг мушоҳада юртишга чорлайди.

Шахмат АСОСИЙ БАҲСЛАР ОЛДИНДА

Муҳлисанинг ёлида бўлса керакки, тўрт йил аввали Манияла шахрида бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида мустақил жамоа сифатида илк марта дона сурган мамлакатимиз вакиллари фахрли иккинчи ўринни қўлга киритиб, барчани хайратга солишган эди. Икки йилдан кейин Москвада ўтказилган шувалда мусобақада шахматчиларимизнинг омади унчалик юриймаган эди.

Яқиндагина Урганчнинг «Динамо» командаси олий лигани тарк этиши муқаррардек қуриларди. Лекин кетма-кет қўлга киритилган галабалар хорамлик футболчиларга олдиндаги рақибларга етиб олиш имконини берди. Эндиликда 16 таян 21 тагача очко жамғарган 6 жамоа кучидан сафида қўлиш учун астойдил баҳс юритишига туғри келади. Булар «Динамо» (Самарқанд), «Сугдiena», «Машъал», «Динамо», (Урганч), «Косонсой», АСК клублари бўлиб, жиъзаҳлик чарм туш усталарининг куйи поғоналардан бирига тушиб қўлиши гоъят ажабланирлиқдир.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ
Рўзнома таҳрир хайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Футбол ҚИЗҒИН ҚУРАШЛАР

туп суришларига қарамай ҳужумкорликка зур беришди. Мамлакатимизнинг тўрт қарра чемпиони ҳам буш келиш халида эмади, чунки галаба иккинчи ўринни эгаҳаб турган «Нефчи»нинг бешинчи маротаба олтин медаль соҳиб бўлиши имкониятини сезиларли даражада оширишни аниқ эди. Шунга қура томонлар бир-бирига ен босиниш истамади, туп ҳам марказда туриб қолмасдан гоҳ у команда, гоҳ бу команда дарвозаси олдида пайдо бўлиб қоларди. Лекин зарбанинг ноаниқлиги, дарвозабонларнинг хушер эканлиги куп фурсат ҳисоб очилишга йул қўймади.

ХОМИЙ:
«Узқишлоққўжалиқтаъминотузатиш» давлат-широқ қумитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси



Бухоро етти иқлимга маълум машҳур, кўҳна ва ҳаммаи навқирон шахар. Осмонлар мислорю мадрасалари, Лабиҳовузо Моҳиҳоссаи, қўйинки, бу шариф шахарнинг ҳар бир гишти мозидаи сузлайди. Ҳа, Бухоро нафақат илм-маърифатда, балки ҳунармандчиликда ҳам



ғарб ва шарқин боғловчи маънавий кўприги вазиғасини ўтаган. «Буюк ипақ йўли» қаровонлари бу муазам шахардан ўтиб, унинг қўли гул ҳунарманду чеғаралари меҳнатиде сайқалланган гузал санъат асарларини дунё бўйлаб олиб ўтганлар. 2500 йиллик тўйини нишон-



СУРАТЛАРДА: 1. Бухоро кўчаларида. 2. Хорғижлик сайёҳлар қандакорлик устaxonасида дам олғишмоқда. 3. Қўли гул уста қандакор Салимаҳон Маҳмудова. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Юсуғжон қизик Шакаржонов номидаги Фарғона театри янги мавсуми драматург Тура Мирзоянинг «Амир Темура ва Тухтамышхон» асари билан бошлайди. Спектаклда буюк соҳибқирон ва Тухтамышхон муносабатлари орқали шахс ва тахт, адолат ва адолат каби муаммолар олға сурилган. Саҳна безакларини рассом Шухрат Абдуваликов ишлаган. Бастакор Анвар Эргашевнинг ажойиб куйлари асар мазмунини янада бойитган.

Шингил хабарлар

вий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу билим масканида ёшларга иқтисодий ва менежмент, ҳисобчилик ва аудит, ҳўжалиқ ҳўқуқшунослиғи, фермер ҳўжалигини ташкил этиш бўйича сабоқ беришади.
МАМЛАКАТИМИЗДА мустақиллик шарафати туйғулган бошланғучларни қўллашлардан бири — Ғузурбойсув-Қумқўрғон темирйўлининг дастлабки километрга пўлат иълари ётқизилди. Уzun-дани 220 километрдан кўпроқ бу темирйўл қўриб ишга туширилган. Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кенг имкониятларини очилади.

Муштарийларимиз диққатига ОБУНА БЎЛГАНГА НИМА ЕТСИН!

Мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, оммавий газетаси ҳисобланган «Қишлоқ ҳаёти» йигирма уч йилдан бери азамат пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, миришкор боғбонлар, агросаноат мажмуи барча соҳалари ходимларининг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, қумакдош ва таянчи бўлиб келмоқда. Илғорлар тажрибасини, фан-техника ютуқларини, жаҳон деҳқончилигида эришилаётган натижаларни тарғиб этиш, қишлоқдаги оддий заҳматқаш кишиларнинг яратувчилик меҳнатини, дунёқарашини, орзу умилларини тулақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, маънавий масалаларини еритиш ижодий жамоамизнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Таҳририят 1997 йилда ҳам узоқ йиллар давомида шаклланган анъаналарни давом эттиришга, уларни янги-янги мавзулар билан бойитишга, истиқлол юртдошларимизга бераётган эркинликларини ва имкониятларини янада ёркин кўрсатишга азму қарор қилган.

МУРРА ОЛАМ

Балиқда ҳосият қўп
Мутахассис олимларнинг эътирофи этишларига балиқдан тайёрланган таомларни ҳаммаи истеъмол қилиш, айниқса кашандаларнинг саломатлиғи учун фойдали экан. 4 мингтадан ортиқ чекишни ташлаган ва чекишни давом эттираётган кишилар саломатлиғи текширилганда, шу нарса маълум бўлиди, қанчалик куп балиқ ейлса, унка хасталиғига ва шомоллашга чалиниш шунча камаяр экан. Шунинг учун ҳам ҳафтада 4 марта балиқ истеъмол қилувчилар сурункали қийин нафаас олиш ва шомоллаш хасталиғига балиқ емилганларга нисбатан икки марта оз чалинар эканлар.

ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА МАРҲАМАТ

Тошкент Давлат аграр университети 1996-97 уқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ҳамма уқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 1996 йил 1 октябрдан бошлаб 8 ойлик кундузги пулли тайёрлов курсига тингловчиларни қабул қилади. Аграр университет пуллик тайёрлов курси Ўзбекистон Республикасининг барча олий уқув юртларига кириш учун қуйидаги фанлар: математика, физика, химия, биология, ўзбек тили, чет тили бўйича тест-синовлари орқали имтиҳон топширишга тайёрлайди.